

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/25.08.2021.Fil.137.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАМБЕТОВ ЖОЛЫМБЕТ КАБУЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДАСТОНИ «ЖАҲОНШО»  
(генезиси, типологияси, жанрий хусусиятлари ва образлар системаси)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

**Мамбетов Жолымбет Қабулович**

Қорақалпоқ халқ достони «Жаҳоншо» (генезиси, типологияси, жанрий  
хусусиятлари ва образлар системаси)..... 3

**Мамбетов Жолымбет Қабулович**

Каракалпакский народный дастан «Жаханша» (генезис, типология,  
жанровые особенности и система образов)..... 25

**Mambetov Jolimbet Kabulovich**

Karakalpak Folk Dastan «Zhakhansha» (Genesis, Typology, Genre  
Properties and System of Images)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/25.08.2021.Fil.137.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАМБЕТОВ ЖОЛЫМБЕТ КАБУЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДАСТОНИ «ЖАҲОНШО»  
(генезиси, типологияси, жанрий хусусиятлари ва образлар системаси)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2018.3.PhD/Fil624 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хошниятова Жалғасбай Хошниятович**  
филология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Жаримбетов Курбанбай Қудайназарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сабирава Насиба Эргашевна,**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.02/25.08.2021.Fil.137.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «16» 09 соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 179 А-у. Тел.: (99861) 222-85-47; факс: (99861) 222-85-47; e-mail: [kk\\_gumanitar@mail.ru](mailto:kk_gumanitar@mail.ru)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлимининг Фундаментал кутубхонасида танишиш мумкин. (189179 рақам билан рўй олинган). Манзил: 230100, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 179 А-уй. Тел.: (99861) 222-85-47,

Диссертация автореферати 2022 йил «26» 08 кунини тарқатилди (2022 йил «26» 08 даги 4 -рақамли реестр баённомаси).



  
**А.И.Альниязов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc)

  
**А.М.Бекимбетов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори, PhD

  
**К.Алтамбергенов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмуни)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодиёти жанрларининг шаклланиш тарихи, янги концепциялар ва тенденциялар юзага келди. Айниқса, фольклор асарлари тизимида эпик жанрларнинг ҳам тадрижи, генезиси, сюжет-композицион қурилиши, образлар системаси ҳамда етакчи мотивларнинг генезиси ва типологияси, бадиий-эстетик хусусиятларига янги тадқиқот ўлчамлари асосида ёндашиш имконини берди. Чунки ҳозирги глобаллашиш шароитидаги ахборот оқими ва ахборот алмашишнинг тезлиги ҳар бир халқнинг руҳий маданиятининг илдизи бўлган халқ оғзаки ижодиёти жанрларининг поэтик олами билан кенг оммани таништириш, ҳар бир халқнинг миллий маданияти ва қадриятлар тизимида уларнинг тутган ўрни ва моҳиятини белгилаб олиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида қаҳрамонлик мавзусидаги эпос назарияси билан боғлиқ бўлган янгича ёндашувларнинг пайдо бўлиши, таъкидлаб айтганда, эпик жанрнинг генезиси ва типологиясига оид илмий-назарий фикрлар такомиллаштирилиб, қаҳрамонлик эпоснинг генетик илдизларида тадрижий сифатдаги тадқиқот йўналишлари умуман эпик жанрларнинг бадиий тадрижи негизида мифопоэтик тафаккур йўналишининг етакчилигини кўрсатиб берди. Шу каби янги концепция ва тенденциялар халқнинг маънавий дунёси асосий манбаларининг бири бўлган қаҳрамонлик эпосларнинг бадиий тадрижини фундаментал тарзда тадқиқ қилиш, образлар ва мотивларнинг генетик асослари ҳамда типологик белгиларини қиёсий ўрганиш, дoston ижрочилари жировчилик маҳоратининг қаҳрамонлик эпос поэтикасида тутган ўрнини аниқлаш имконини берди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича тадбиқ қилинаётган ислохотларнинг йўналишида қаҳрамонлик эпосларининг ҳам миллий маънавий мерослар системасидаги аҳамиятига катта эътибор қаратилиб, уларни ўрганиш бизнинг олдимиздаги долзарб вазифа бўлиб турибди. «Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади»<sup>1</sup>, шунини эътиборга олсак, «Жаҳоншо» достони ҳам қорақалпоқ қаҳрамонлик эпосининг миллий асосларини кўрсатиб берувчи дostonлар қаторида фольклоршунослик фанида тадқиқ қилиниши зарур бўлган долзарб масала эканлиги ойдинлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – Т., 2018 йил 2 ноябрь.

манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон «II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги VMQ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туркий халқлар фольклоршунослигида қаҳрамонлик дostonларнинг жанрий тадрижи, генезиси ва типологияси, образлар системаси масалалари бўйича ўзбек<sup>2</sup>, қозоқ<sup>3</sup>, қирғиз<sup>4</sup> ва туркман<sup>5</sup>, шунингдек ёқут, олтой, чечен, ингуш, тува халқлари эпослари

<sup>2</sup> Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Т.: АН УЗССР, 1959. – С.8, 9,13; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 6-495; Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 170; Мирзаев Т., Саримсоков Б. Дoston, унинг турлари ва таракқиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 9–61; Саримсоков Б. Эпик жанрлар диффузияси// Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан. 1981. – Б. 97-148; Рахмонов Н.А. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1991. – Б. 38; Сайдов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. – Т.: Фан, 1969. – Б. 144–178; Имомов К. «Алпомиш»да кураш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: Фан, 2000. – Б. 28–29; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 75–96; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Т.: Mumtoz so'z, 2014. – Б. 308; Турдимов Ш. «Тўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011. – Б. 240; Ўша муаллиф: Эпос ва этнос. – Т.: Фан, 2012; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Т.: Фан, 1990; Эшонкул Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.169. Сариев С. Хоразм "Тўрўғли" дostonларининг қулёзма нусхалари. – Т.: Мухаррир, 2013; Ўша муаллиф: «Тўрўғли» туркуми дostonларининг оғзаки ва қулёзма нусхаларини киёсий ўрганиш: Филол. фан. д-ри (DSc) дис. ... автореф. – Т., 2019. – 79 б.

<sup>3</sup> Марғўлан А. Шоқан және Манас. – Алматы: Жазушы, 1971. – Б. 164; Қоңыратбаев Ө. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы: Ғылым, 1978. – Б. 180; Бердїбаев Р. Қазақ эпосы. – Алма-Ата: Ғылым, 1982. – Б. 228; Садыков Т. Глубокие корни. – Алма-Ата: Жазушы, 1975. – С. 3-156.

<sup>4</sup> Қыдырбаева Р.З. Генезис. Эпоса «Манас». – Фрунзе: Илим, 1980. – С. 290; Жайнакова А. «Семетей» эпосунун тарыхый-генеологиялық негизи. – Фрунзе: Илим, 1982. – Б. 3–175; Садыков А. героические мотивы в эпосе «Манас». – Фрунзе: Илим, 1982. – Б. 136; Мамедиязов Б. О поэтике эпоса «Горуглы». – Ашгабад: Ылым, 1984. – С. 115.

<sup>5</sup> Абаев В.И. Скифо-европейские изоглоссы на стыке Востока и Запада. – М.: Наука, 1965. – С. 83-123; Алексеев Н.А. традиционные религиозные верования у якутов в XIX-начале XX вв. – Новосибирск: Наука, 1975. – С. 119; Гребнев Л.В. Тувинский героический эпос. Опыт историко-этнографического анализа. – М.: Восточная

бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари қахрамонлик эпослар ҳақида муҳим илмий ечимларга келишга асос яратди.

Қорақалпоқ қахрамонлик дostonлари поэтикасининг турли масалалари хорижий олимлардан немис олими К.Райхлнинг тадқиқотига объект бўлган<sup>6</sup>, шунингдек Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, И.Сағитов, Қ.Мақсетов, Ҳ.Ҳамидов, С.Баҳадирова, К.Мамбетов, К.Алламбергенов, Ж.Хошаниязов, К.Палимбетов, Ж.Низаматдинов, Ф.Мақсетова ва бошқа маҳаллий олимлар тадқиқотларининг асосий йўналишини ташкил қилди<sup>7</sup>.

«Жаҳоншо» дostonи қорақалпоқ фольклоршунослигида кам тадқиқ қилинган дostonдир. Дoston битта вариантта, бошқа версияси йўқдир. Дoston илк бор М.Сейтаниязов томонидан 1956 йилда машхур қорақалпоқ жирови Қурбанбай жиров Тажибаевдан ёзиб олинади<sup>8</sup>. 1990 йилда ЎзССР ФА ҚҚФ Н.Дауқараев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институтининг Қорақалпоқ фольклори сектори олимлари А.Каримов, К.Мамбетназаров, Т.Нийетуллаев ва К.Ерназаровлар томонидан нашрга тайёрланиб, XX жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» тўпламининг XX жилдида чоп этилади. Иккинчи мартаба 2012 йилда 100 жилддан иборат «Қорақалпоқ фольклори» сериясининг 43-жилдида «Жаҳоншо» дostonининг Қурбанбай жировдан ёзиб олинган асл нусха фольклор матнларига текстологик таҳлил қилишнинг барча қодаларига риоя қилинган ҳолда чоп этилади.

«Жаҳоншо» дostonи 1970 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадқиқотларда кўрина бошлади. Таъкидлаб айтганда, Н.Жапақовнинг «Нашр қилинмаган дostonлар» мақоласида дoston сюжетининг композициясини ташкил қилувчи воқеалар ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси, образлари, бадиий адабий тили, иккинчи даражали образлар таркиби ҳақидаги илмий фикрларни илгари суради<sup>9</sup>. Дostonга оид бўлган муҳим илмий қарашлар қорақалпоқ

---

литература, 1960. – С. 70; Далгат У.Б. Героический эпос чеченцев и ингушей. – М.: Наука, 1972. – С. 466; Короглы Г.Х. Огузский героический эпос. – М.: Наука, 1976. – С. 240; Суразаков С.С. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1985. – С. 256; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С. 727; Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии // Вопросы изучения эпоса народов СССР. – М.: 1958. – С. 66–391; Мелетинский Е.М. Происхождение героического эпоса. Ранние формы и архаические памятники. – М.: ИВЛ, 1963. – С. 462 и т.д.

<sup>6</sup>Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В.Трейтер). – М.: Восточная литература, 2008. – 384 с.

<sup>7</sup>Дәуқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 354; Айымбетов Қ. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 224; Ўша муаллиф: Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 491; Сағитов И.А. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 354; Мақсетов Қ.М. Қарақалпақ қахарманлық дэстанларының поэтикасы. – Т.: Фан, 1965. – Б. 334; Ҳамидов Ҳ. Шығыс тиллериндеги жазба дэреклер. – Нөкис: Билим, 1991. – Б. 210; Баҳадырова С. Китаби дэдем Қорқыт. Қоблан, Едиге хэм хэзирги дэбият хакында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 3–92; Мәмбетов К. Әййемги қарақалпақ дэбияты. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976. – Б. 204; Аллаамбергенов К. Қарақалпақ халық дэстаны «Едиге». – Нөкис: Билим, 1995. – 228 б.; Хошаниязов Ж. Миллий руўхый дўньямыздың сағалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – 100 б.; Ўша муаллиф: Қарақалпақ қахарманлық дэстанлары – миллий қэдириятлар дэреги. – Нөкис: Илим, 2017. – Б. 92; Палымбетов К. «Қорқыт ата китабы» хэм қарақалпақ дэстанлары. – Нөкис: Билим, 2010. – Б. 128; Ўша муаллиф: Қорақалпоқ халқ дostonи «Қўблон»нинг генезиси, типологияси ва поэтикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дис. ... автореф. – Т., 2021. – 78 б.; Низаматдинов Ж. «Ер Шора» дэстанының жыйналыўы хэм изертлениўи туўралы // ӨзРИА ҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 1997. – №5. – Б. 152–156; Мақсетова Ф. «Саётхон-Ҳамро» дostonи қорақалпоқ версияси типологияси: Филол. фан. д-ри (PhD) дис. ... автореф. – Т., 2021. – 54 б.

<sup>8</sup>ӨзР ИА Қарақалпақстан бөлимининг Фундаментал китапханасының Қолжазбалар фонды. P-284. №88206.

<sup>9</sup>Жапақов Н. Жэрияланбаған дэстанлар // Өмиўдэрья. – Нөкис, 1974. - №8. – Б. 109-112.

кахрамонлик эпоси, жумладан Қурбанбай жировнинг ҳаёти, ижодиёти, жиров репертуаридаги «Қырық қыз» достони бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Қ.Мақсетовнинг мақола ва монографияларида нашр қилинади<sup>10</sup>. «Жаҳоншо» достони бўйича замонавий илмий концепцияларга асосланган илмий фикрлар 2012 йили «Қорақалпоқ фольклори» кўпжылдигининг 43-жилдида нашрга тайёрловчилар томонидан ёзилган<sup>11</sup>.

«Жаҳоншо» достони ҳақида қорақалпоқ фольклоршунослигидаги тадқиқотларнинг йўналиши достоннинг қорақалпоқ достонлари қаторидаги ўрнини белгилаш, достоннинг образлар системаси, яратилиш даври ҳақидаги қисқача фикр ва шарҳлардан иборат бўлиб, достоннинг жанрий тадрижи, сюжет-композицион тузилиши, типологияси, образлар системаси, бадиийлиги масалалари махсус тарзда тадқиқ этишни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ЎзР ФА ҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқ халқ достони «Жаҳоншо»нинг генезиси, типологияси, жанрий хусусияти ва образлар системасини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Жаҳоншо» достонининг ўрганилиши тарихини аниқлаш;

достонда Марказий Осиё халқлари тарихидаги этногенетик жараёнларнинг таъсирини ойдинлаштириш;

«Жаҳоншо» достони сюжети генезисида архаик фольклор элементларини аниқлаш;

достон сюжетининг ва образлар системасининг типологиясини очиб бериш;

«Жаҳоншо» достони сюжетида анъанавий мотивларнинг мазмуний ва конструктивлик ролини аниқлаш орқали достон генезисини ойдинлаштириш;

«Жаҳоншо» достонининг ўзига хос поэтик хоссаларини шакллантиришда Қурбанбай жировнинг индивидуал бадиий маҳорати ва ижрочилик санъатининг моҳиятини ўрганиш;

достон поэтикасида анъанавий эпик баён усулларининг бадиий хизматини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Жаҳоншо» достонининг ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Фундаментал кутубхонасининг Кўлёмалар фонди архивида сақланаётган Р-234 №88206 инвентар рақамли кўлёмма нусхаси, Қорақалпоқ фольклори XX жилдигининг XX жилди (Нөкис: Қарақалпақстан,

<sup>10</sup> Мақсетов К.М. Каракалпакский эпос. – Т., 1976. – С. 156-159; Ўша муаллиф: Қарақалпақ жыраў – бақсылары. – Нөкис, 1983. – Б. 72.

<sup>11</sup> Қарақалпақ фольклоры. 43 т. – Нөкис: Илим, 2012.

1990) ва «Қорақалпоқ фольклори» кўп жилддигининг 43-жилди (Нөкис: Илим, 2012) танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** «Жаҳоншо» достонининг жанрий хусусиятлари, эпик сюжетларнинг генезиси, мотивлар ва образлар системасининг бадиий тадрижи ва типологияси, достон матнининг бадиий поэтик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, тарихий-генетик, қиёсий-типологик, структуравий ҳамда бадиий-эстетик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагидан иборат:

«Жаҳоншо» достони қадимги туркий халқлар ва қорақалпоқ фольклорида акс этган архаик сюжетлар ҳамда мифопоэтик тафаккурнинг бадиий тадрижи билан боғлиқ эканлиги, анъанавий равишта эпик шаклга тушган, қадимги манбаси ибтидоий даврдаги эпос эканлиги далилланган;

достон сюжети унинг тарихий қатламидаги VII-VIII асрларда ЕврооСИёнинг катта қисмини ўз ичига олган Турк хоқонлиги даврининг воқеаларини қамраб олган Ўрта Осиё халқлари фольклоридаги эртаклик ва ноэртаклик наср жанрлари намунасида ўз аксини топган тарихий ривоят (*аңыз*), қахрамонлик, сеҳрли, ҳаётий-маиший эртақларининг синтези кўринишидаги сюжетлар асосида шакллангани аниқланган;

«Жаҳоншо» достонининг эпик қахрамонликни ўзида акс эттирувчи мотивлар ва образларнинг типологик белгилари қахрамонлик эпос жанрининг талабларига жавоб бериши далилланган;

«Жаҳоншо» достони поэтикасида Қурбанбайнинг индивидуал жировчилик санъатининг таъсири сезилиши, айниқса бу хусусият достоннинг асосий сюжет линиясини таъминловчи сафар мотивининг анъанавий эпик намуналардан йироқлашмаган ҳолда қахрамоннинг илм-хунар эгаллашга интилишини тасвирлашга йўналтирилганлигида ҳамда достоннинг поэтик баён шаклларида шеърий баён усулининг етакчилигида кўриниши ойдинлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагидан иборат:

«Жаҳоншо» достони бўйича қорақалпоқ фольклористикасидаги тадқиқотларга характеристика берилган ва қорақалпоқ қахрамонлик эпоси системасида достонни тадқиқ қилишнинг зарурати кўрсатиб берилган;

«Жаҳоншо» достони сюжетининг генезиси мифлик даврга, яъни архаик фольклорга оид тарзда таҳлилга тортилган ва достоннинг бош қахрамони Жаҳоншо қадимий мифдаги инсониятга эзгулик олиб келувчи, уларни ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи маданий қахрамоннинг классик эпосдаги кўриниши эканлиги далилланган;

достондаги тарихий воқеалардан кўра эртақка хос элементларнинг устунлиги кейинги даврда тарихий ва мифологик шаклларнинг тўла ҳолида эмас, балки рудимент ҳолида эртақларга диффузияланиши билан тушунтирилган;

«Жаҳоншо» достони мотивларининг тарихий манбалари ва образлар системаси очиб берилган;

достон поэтикасидаги насрий ва шеърий баён шаклларининг бадий функциялари Курбанбай жировнинг индивидуал ижодий маҳорати билан боғлиқ тарзда очиб берилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усуллар, ечимини кутаётган масаланинг аниқ қўйилиши, «Жаҳоншо» достони матнини қиёсий-типологик, структуравий ҳамда тарихий ва генетик, типологик методлар асосида ўрганилганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, эришилган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ қаҳрамонлик достони «Жаҳоншо»нинг генезиси, жанрий хусусияти, типологияси ва образлар системаси бўйича олинган илмий ечимлар ҳамда хулосалар ва қаҳрамонлик эпосларига оид илмий-назарий фикрлар туркий халқларнинг халқ оғзаки эпик меросини қиёсий-тарихий, тарихий-типологик, тарихий-генетик йўналишда тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек жировлар репертуарининг индивидуал хусусиятларини очиб беришда маълум даражада назарий асос яратиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан олий ўқув юртларида «Қорақалпоқ фольклори», «Қорақалпоқ достонлари поэтикаси», «Адабиёт ва фольклор» фанларини ўқитишда, қорақалпоқ фольклори фанидан дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, магистрлик ишларини бажаришда ёрдамчи материал сифатида, шунингдек қорақалпоқ фольклорини тарғиб ва ташвиқ қилишда фойдаланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Жаҳоншо» достони генезиси, типологияси, жанрий хусусиятлари ва образлар системасини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш асосида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишда амалиётда жорий қилинди.

«Жаҳоншо» достонининг ёзиб олинishi, нашр қилиниши ва ўрганилиши тарихи, достон сюжетидаги қадимий туркий халқларнинг тарихий қатламлари ва архаик фольклор намуналарининг қиёсий типологияси бўйича илмий-назарий хулосалардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф-1-005. «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг «Қорақалпоқ халқ достонларига оид илмий тадқиқотлар тавсифи» бўлимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 30 сентябрдаги 17.01/239-сон маълумотномаси). Натижада, «Жаҳоншо» достонининг қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрганилиши тарихига оид илмий-назарий қарашлар янги маълумотлар билан бойитилган;

«Жаҳоншо» достонидаги мотивлар ва образларнинг типологик белгиларини қиёсий ўрганиш орқали достоннинг эпик қаҳрамонликни ўзида акс эттирувчи қаҳрамонлик эпос жанрига мансуб эканлиги ҳақидаги илмий

хулосалардан ёш ижодкорларга бағишланган амалий ва маҳорат дарсларини ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 30 сентябрдаги 114-сон маълумотномаси). Натижада, ёш ижодкорлар асарларида қахрамонлик, ватанпарварлик руҳини шакллантиришга, улар ижодиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«Жаҳоншо» достони поэтикасида ва композициясида асосий хусусиятлар бўлган дostonнинг асосий сюжет линиясини таъминловчи сафар мотивининг анъанавий эпик намуналардан йироқлашмаган ҳолда қахрамоннинг илм-хунар эгаллашга интилишини тасвирлашга йўналтирилганлигида ва дostonнинг поэтик баён шаклларида шеърый нутқ усулининг етакчи эканлигини тасдиқловчи илмий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Ассалаўма-алейкум, Қарақалпақстан!», «Г'ўҳар сөзлер» сингари кўрсатувларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 февралдаги 01-02/88-сон маълумотномаси). Натижада, «Жаҳоншо» достони генезиси ва типологияси, ушбу дoston мазмунидаги илм-хунар эгаллашга интилишни тарбиялашга оид илмий фикрлар ва миллий эпик мероснинг тарбиявий аҳамияти кенг жамоатчиликка тарғиб қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича 15 илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 мақола, шулардан 5 республика, 2 хорижий илмий журналларида нашр этилган. Шунингдек, 1 мақола халқаро илмий журналда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилиниши, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Жаҳоншо**» достони генезиси ва шаклланиш манбалари» деб номланган биринчи боби иккита фаслдан иборат. «**„Жаҳоншо“ достонининг ёзиб олинishi, тадқиқ қилиниши ва сюжетнинг архаик-мифлик асослари**» деб номланган бобнинг биринчи фаслида дostonнинг ёзиб олинishi, чоп этилиши ва қорақалпоқ фольклоршунослигида

ўрганилиши, шунингдек достон сюжетидаги архаик-мифлик асослари ҳақида сўз юритилади.

«Жаҳоншо» – қорақалпоқ фольклорида жанрий, ғоявий-мавзувий, бадий жиҳати, баён услуби бўйича ўзига хос хусусиятларга эга достонлардан биридир. Достоннинг Қурбанбай жировдан ёзиб олинishi Қорақалпоғистонда фольклоршунослик илми тамал тошининг қўйилиши даври билан узвий боғлиқдир. Достон М.Сейтғиязов томонидан 1956 йилда машҳур қорақалпоқ жирови Қурбанбай Тажибаевдан ёзиб олинади. Достоннинг қўлёзмаси ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Фундаментал кутубхонаси Қўлёзмалар бўлимида сақланмоқда<sup>12</sup>. Қўлёзманинг умумий ҳажми 8000 дан зиёд шеърӣ мисралардан иборат бўлиб, достон матни кирилл алифбосида ёзилган.

«Жаҳоншо» достони илк бор 1990 йил ЎзССР ФА ҚҚФ Н.Давқараев номли Тарих, тил ва адабиёт институтининг Қорақалпоқ фольклори сектори олимлари А.Каримов, К.Мамбетназаров, Т.Нийетуллаев ва К.Ерназаровлар томонидан нашрга тайёрланиб, XX жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» тўпламининг XX жилдида нашр қилинади. Мазкур нашрда достон қаҳрамонларининг монолог ва диалоглар матни кўплаб қисқартилгани, шеърӣ қаторлар ёзма адабиёт меъёрларига солиб қайта ишлаш, айниқса достондаги персонажларнинг портретини ўша давр мафқурасига мос тарзда қайта ишлаш каби салбий ҳолатлар урин олган. Натижада, достон матни сезиларли ўзгаришларга дуч келиб, ундаги Қурбанбай жировнинг ижрочилик ҳунарига хос бўлган поэтик услуб ўзининг ҳақиқий кўринишини йўқотган.

Достон кейинги бор 2012 йилда 100 жилддан иборат «Қорақалпоқ фольклори» сериясининг 43-жилдида нашр қилинди. Мазкур нашр Қурбанбай жировдан ёзиб олинган асл нусха матнига текстологик таҳлил қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиш орқали амалга оширилган.

«Жаҳоншо» достонини илмий тадқиқот объектига жалб қилиш 1970 йиллар иккинчи ярмида бошланиб, дастлабки илмий кузатувлар асосан достонни қорақалпоқ халқ достонлари қаторида белгилаш билан кифояланади. Бундай мазмундаги илк фикр Н.Жапақовнинг «Нашр қилинмаган достонлар» мақоласида келтирилади. Муаллиф достоннинг адабий тили, иккинчи даражали образлар таркиби ҳақида ҳам эътиборга лойиқ фикрларни илгари суради.

Достонга тааллуқли бўлган муҳим илмий фикрлар қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси, жумладан Қурбанбай жировнинг ҳаёти, ижодиёти, жиров репертуаридаги «Қырық қыз» достони бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Қ.Мақсетовнинг мақола ҳамда монографияларида акс эттирилган<sup>13</sup>.

«Жаҳоншо» достони бўйича қорақалпоқ фольклоршунослигида шу кунга қадар нашр қилинган илмий ишлар умумий характерда бўлиб, асосан достоннинг қорақалпоқ достонлари қаторидаги ўрнини белгилаш, достоннинг ғоявий-мавзувий хусусияти, образлар системаси, яратилиш даври ҳақидаги қисқача фикр ва шарҳлардан иборат.

<sup>12</sup> Өз ИА Қарақалпақстан бөлимининң Фундаментал китапханасының Қолжазбалар фонды. Р-284. №88206.

<sup>13</sup> Мақсетов К.М. Каракалпакский эпос. – Т.: ФАН, 1976. – С. 156-159; Ўша муаллиф: Қарақалпақ жыраў – баксылары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1983. – Б. 72.

**«Достоннинг тарихий асослари ва сюжетининг шаклланишида эртақларнинг аҳамияти»** деб номланган иккинчи фаслда достон генезисдаги тарихий қатлам ва достон сюжетининг шаклланиши масаласи ўрганилган.

«Жаҳоншо» достонидаги воқеалар эпик ва тарихий макон Ура Тобега (достонда *Ура Тобе* деб номланади) локаллаштирилган. Қаҳрамоннинг эпик маршрути Шын-Машын (Хитой) ва Шыны-татарга йўналтирилган. Қаҳрамон илм-билим ва ҳунар эгаллаш мақсадида Шын-Машынга тўрт маротаба боради. Достондаги Шын-Машын, яъни Хитой Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан қорақалпоқ оғзаки адабиётида ҳам ҳунар ўрганиш мавзусига бағишланган фольклор асарларининг асосий мавзуларидан саналади. Бунда эпик макон – гуллаб-яшнаган юрт, янада илм-билим берадиган, ҳунар ўргатадиган марказ сифатида тасвирланган. Фольклор манбаларида туроқлашган Шын-машын мавзуси туркий халқларнинг қадимий цивилизация ўчоғи бўлган Хитой мамлакати билан сиёсий ва маданий муносабатлари акс эттирилган тарихий манбаларга эътибор қаратишни талаб қилади. «Жаҳоншо»нинг сюжетидаги воқеалар, эпик топонимлар, географик муҳит ва ҳ. кўплаб деталларни таҳлил қилиш мазкур достоннинг умуман туркий халқлар тарихида катта ўрин тутган, бундан кейин ушбу халқларнинг миллий, маънавий маданиятида, айниқса қаҳрамонлик эпосининг шаклланишига таъсир қилган, VII-VIII асрларда Евроосиёнинг катта қисмини ўз ичига олган Турк хоқонлиги даври воқеалари мазмунини қамраб олганлиги сезилади. Чунки туркий халқларнинг энг қадимги давларидан буён босиб ўткан тарихий йўлида уларнинг Шын-Машын, яъни Хитой империяси билан энг яқин, тарих саҳифаларида из қолдирадиган сиёсий-иктисодий, маданий алоқаси Турк хоқонлиги даврига тўғри келади.

«Жаҳоншо» достонида тасвирланган воқеалар муайян равишда Турк хоқонлиги томонидан олиб борилган мафқурани акс эттиради, деб фикрлашга ундайди. Л.Гумилевнинг таъкидлашига кўра, хоқонлик мафқураси Хитой маданиятини инкор қилиш ҳамда қўшни давлатларга ўз устунлигини кўрсатиш каби иккита тамойилга бўйсиндирилган. Изчиллик билан олиб борилган ушбу иккита тамойил туркларнинг улуғ держава сифатида қад кўтаришига ҳам, кулашига ҳам сабабчи бўлган<sup>14</sup>. Мана шундай вазиятни кўзда тутсак, Турк хоқонлигининг Хитой империяси билан алоқаси, албатта, ушбу хоқонлик таркибига кирган халқларнинг тарихий фольклорида ўз изини қолдириши табиийдир.

Турк хоқонлигининг ўз мамлакатини табғачлардан, яъни Хитой давлатидан афзал кўриш сиёсати, бизнинг фикримизча, «Жаҳоншо» достонида ҳам муайян даражада трансформацияланган шаклда ўрин олган. Достон қаҳрамони Жаҳоншо ўқиш учун Шын-Машынга келганида, Асқархоннинг қизи Гўлҳасел унга ошиқ бўлиб қолади. Йигит унинг муҳаббатини қабул қилмайди. Йигит ўзининг Шын-машынга қайлиқ қидириб эмас, балки ўқиб, билим олиш учун келганлигини айтади<sup>15</sup>. «Алып-Манаш»та бош қаҳрамон Ақ ханни ва унинг қизини ёмонлиги учун ўлдиради. Бу ерда, Л.Гумилёвнинг таъкидлаб

<sup>14</sup> Гумилев Л. Древние тюрки. – М.: Айрис пресс, 2009. – С. 370-371.

<sup>15</sup> Қарақалпақ фольклори. 43-т. – Нөкис: Илим, 2012. – Б. 28-30.

ўтганидек, шу даврдаги туркий халқларнинг табғачларга қарши сиёсати ўз аксини топган бўлса, «Жаҳоншо» достонида бир вақтнинг ўзида туркий халқларнинг ўзлигини, маданиятини сақлаб қолиш, уни илм-билим орқали юқори босқичларга кўтариш ғояси турибди. Ўрхўн ёзма ёдгорликларидаги турк хоқонлари сингари, Жаҳоншо ҳам Хитойда олган илм-билимни инкор қилмайди, балки ўз билимини ўз элининг гуллаб-яшнаши, ботирларнинг теран ўй-фикр, ақл ва онгга эга бўлиш учун фойдаланишини кўзлайди. Шунинг учун ҳам Жаҳоншо қизнинг муҳаббатини билим-илм эгаллаш мақсадига тўсик сифатида кўриб, Гўлҳаселга рад жавобини беради. У бир вақтлар Ура тобе билан битта эл бўлган Шыны-татар эли подшосининг қизи Заурияга ошиқ бўлиб, уни излаб сафарга йўл олади ва, ниҳоят, шу икки элни бир-бирига кўшади.

Н.Жапақов «Нашр қилинмаган дostonлар» мақоласида дoston мазмунини Нўғайли давридаги сиёсий воқеалар билан боғлаб, унинг шаклланиш даврини XV асрлар, деб тахмин қилади<sup>16</sup>. Лекин, Нўғайли даврига тааллуқли, деб кўрсатилган барча қорақалпоқ қаҳрамонлик дostonларида Нўғайли халқи «татар» эмас, балки «Нўғайли» (*Ногайлы*) деб аталган ва бу факт «Жаҳоншо» дostonига таққослаганда, тарихий дostonларда бироз муайянликка эга.

Дostonда кўрсатилган эпик макон – Ҳасер тоғи («Жаҳоншо» дostonида «Ҳасер таўы» дейилган) ҳозирда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ва Тожикистон ҳудудини эгаллаган Ҳисор тоғ тизмаси, деган фикрни пайдо қилади. Иккинчидан, дostonдаги «Ҳасер» атамаси ушбу тоғ тизмасининг тожик тилидаги «Ҳисор» атамасига ўта яқиндир. Бу тоғли минтақада Тожикистоннинг Гиссар шаҳри жойлашган бўлиб, ушбу шаҳардаги Гиссар кўрғони тарихини ўрганган олимлар унинг 3000 йиллик тарихга эга эканлиги ҳамда бу кўрғоннинг устидан ўтадиган йўлнинг Хитойни Эрон билан боғлаб, бу ер ўз вақтида карвонлар тўхтаб ўтадиган бандаргоҳ вазифасини бажарганлиги, бу ерда савдо ўринлари мавжуд кўрғоннинг жойлашганлигини тасдиқлайди. Гиссар ҳозирги вақтда шаҳарга айланган (2015 йилда шаҳарнинг 3000 йиллиги белгиланган)<sup>17</sup>.

Дostonда Арыслантуй «оғзи-бошини тук босган» кўрқинчли, махлуқсифат одам қиёфасида тасвирланган. Унинг ташқи кўриниши дostonда гиперболик характерда берилишига қарамасдан, унда маҳаллий аҳолига хос бўлган антропологик жиҳатларни аниқ кўриш мумкин. Аксарият тарихий ва оғзаки маълумотлар Буюк Ипак йўлининг савдогарлар учун ўта хавфли бўлганини ва савдо карвонлари манзилга етгунча уларни қуролли кишилар қароқчиларнинг ҳужумидан қўриқлаганлиги айтилади. Ушбу тарихий факт дostonда ҳам ўрин олган бўлиб, Буюк Ипак йўлида савдо алоқалари ривожланган даврга хос бўлган типик воқеа сифатида ўз кўринишини топган.

Қаҳрамонлик эпосининг ўзига хос намунаси саналган «Жаҳоншо» дostonи ҳам архаик эпос босқичини босиб ўтган бўлиб, маълум даражада шу давр белгиларини ўзида сақлаб қолган. Космос учун Хаос билан кураш тўғрисидаги мифлик, яъни архаик сюжет дostonда энди VI–X асрлар оралиғида Шарқда

<sup>16</sup> Жапақов Н. Жэрияланбаған дэстанлар // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1974. - № 8. – Б. 109-112.

<sup>17</sup> Russian.news.cn

туркий халқларнинг уруғ (*уруу*) ва мамлакат бирлашмаларига бирлашиши ҳамда тарқаб кетиши, ўзаро можаролар ва кўшни мамлакатлар билан урушлар, ўз бирлигини сақлаб қолиш йўлидаги озодлик кураши ва, айниқса, уларнинг ўтроқ ҳаётга мослашиб, цивилизациялашган мамлакатлар билан маданий алоқа ўрнатишга интилишлари тарихий шароит ва эстетик талабдан келиб чиққан ҳолда трансформацияланган. Достонда маданият тараққий топган ҳаётга интилиш ва буни илм-билим орқали амалга ошириш ғояси етакчилик қилади.

Достоннинг аксарият қаҳрамонлик эпослардан фарқи шундаки, унда янги прогрессив идеал, яъни илм-билим эгаси бўлган бош персонаж – ботирнинг ўз халқига хизмат қилиши, эл-юртни ақл-заковат билан бошқариш, илмли-билимли жамиятни қуриш ғоясининг устунлиги янада барча қаҳрамонлик достонларга хос бўлган бош қаҳрамонни бекиёс куч эгаси сифатида идеаллаштиришга йўналтирилган анъанавий шакл ҳам сақланиб қолган.

Достон сюжетининг шаклланишида қадимий туркий халқлар фольклорида акс этган мифлик қарашлар муайян рол ўйнаган. Айниқса қадимги туркий халқларнинг оламнинг тузилиши ҳақидаги тасавури достон сюжетининг асосий компонентларидан биридир. Достон бош қаҳрамони Жаҳоншо Шынытатар эли подшоҳининг қизи Заурияга уйланиш учун Усенбекнинг карвонига эргашиб кетаётганда, карвонбошининг ёлғон гапига алданиб, бир эски қудуқда қоб кетади. Йигит қудуқнинг тубини оралаб юриб, бунда ер юзидагидан ҳам аъло сарой ва боғни кўради. Шу саройда у битта жумбоқни еча олмай, боши қотиб ўтирган учта девга (достонда улар *гәүирлер* деб номланади) дуч келади. Девлар – қаҳрамонни синовчи ва уни қўллаб-қувватловчи образлар шаклидаги рамзий характерга эга персонажлар бўлиб, уларда бошқа достонларда анъанага айланган қаҳрамонга қарши кучларнинг изи деярли сезилмайди.

Қадимги туркий халқларнинг мифлик қарашига кўра, Борлиқ юқори кучлар яшайдиган *осмон*, ўртанчи, яъни Тангри яратган инсоният, хайвонот, *буткул табиат олами* ва тирикчиликнинг душмани бўлган *марҳумлар дунёсидан* ташкил топган. Достон сюжетида ушбу учта оламнинг учинчиси – ер ости дунёси худди шундай шаклда интерпретацияланган. Бу мифологема «Жаҳоншо» достони сюжетининг шаклланиши даврида кучли трансформацияга учраб, ер ости дунёси тўғрисидаги мифлик мазмунини йўқотиб, ботирнинг ўз мақсади йўлидаги қаршиликларни енгишини акс эттирувчи ёрдамчи компонент сифатида қўлланилган. Одатда, мифлик архаик шаклда маданий қаҳрамон ер остидаги антогонистлар билан курашиб уларни йўқ қилади. Достонда эса Жаҳоншо қийинчиликларни енгиб ўтиб, жисмоний куч ишлатмасдан, девларни ўз билими орқали енгади. Шу билан бирга, архаик шаклдаги антогонистлар ҳам достонда гиперболик жиҳатлари билан бирга, барча инсонларга хос даражада, яъни антроморф шаклда тасвирланган.

«Жаҳоншо» достонидаги архаик фольклорнинг Космос ва Хаос ўртасидаги мангу кураш сюжетининг янги шаклга трансформацияланишидан бошқа, мифлик-эртаклик элементлар ҳам ўрин олган. Достонда мифлик элемент ислом дини таъсири остида ўз мазмунини деярли йўқотган бўлиб, бефарзанд ота-онанинг худодан бола тилаши кўринишидаги анъанавий шакл мавжуд. Чунки

«асотирий тасаввурларнинг тадрижий ривожидавомида аждодларимиз томонидан яратилган мифологик сюжет элементлар эпос, эртак, афсона, оғзаки ҳикоя ва бошқа жанрлар таркибига сингиб кетган... Зеро, мифологема қадимий асотирлар сюжетининг ўзагини ташкил этади»<sup>18</sup>. Шунинг учун ҳам дostonда тарихий воқеалардан кўра эртаклик элементлар устундир.

Қорақалпоқ эртаклари таркибида дoston сюжети ва воқеаларнинг ривожланиши бўйича «Жаҳоншо» дostonининг сюжети моделини такрорловчи намуналар – «Өнермент жигит», «Өнерли бала», «Өминбай»<sup>19</sup> эртакларидир. Бу эртакларнинг ҳаммасида минг тилло ёки ота-онасининг барча мол-мулкини бериш эвазига илм-билим эгаллаб, хунар ўрганган ва шунинг орқасида қийинчиликларни енгиш воқеаси тасвирланади. Ушбу учта эртак қаҳрамонлари ҳам бадавлат одамларнинг фарзанди бўлиб, янада кўпроқ бойлик орттириш учун отаси уларни кўп ҳаражат билан (минг тилло) бошқа юртга йўл олган карвонга кўшиб юборади. Воқеалар кўпинча мавҳум эпик маконда бўлиб ўтади, яъни воқеа локаллашмаган. Фақат «Өминбай» эртакда қаҳрамонни сотиб олган бойнинг Хитойга яқин бўлган Ҳиндистоннинг Калкут шаҳридан эканлиги айтилади. Учта эртакнинг ҳам асосий сюжетини ҳосил қилувчи мотив – қаҳрамонларнинг минг тилло эвазига билим-илм эгаллаб, хунар ўрганиши бўлиб, бу мотив эртакда илгари сурилган ғоянинг очилишига хизмат қилган. Қаҳрамонларнинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги конфликт дostonда Жаҳоншо билан стереотипик қарашдаги Сангилбай, Қарабай ҳамда қаҳрамоннинг юртдошлари ўртасида бўлса, эртакда бундай конфликт учрамайди, қаҳрамоннинг яқинлари унинг интилишига қаршилик кўрсатмайди ва унинг қарорини тўғри қабул қилади. Бунинг асосий сабаби – дoston жанрида илгари сурилган мақсаддир, яъни энг аввало *урыў*, жамоат манфаатининг устун қўйилиши. Дostonда бу конфликт ўша даврда эски стереотипик фикрлаш билан янгиликка, прогресс сари интилиш ўртасидаги курашга қурилган. Эртак қаҳрамонининг ота-онаси йигитнинг қарорига рози бўлади. Айтайлик, «Өнермент жигит» эртакда бош қаҳрамон савдогар булишни хоҳламай («Жаҳоншо» дostonидаги каби) бошқа шаҳарга бориб соз асбобини чалишни ва устачиликни ўрганиб, шу хунарлари орқасида яхши ҳаёт кечиришга эришади. Эртакнинг асосий ғояси, халқ тили билан айтганда – «хунарли хор бўлмайди». «Өнерли бала» эртакда эса қаҳрамон юз тилло бериб хат ёзишни, *қарақал* ўйнашни ва дотор чалишни ўрганади.<sup>20</sup>

Юқоридаги иккита эртакнинг сюжет йўналишида «Жаҳоншо» дostonи билан умумий ўхшашлик мавжуд бўлса, «Өминбай» эртакининг сюжети мавзу ва мотивлари билан дoston сюжетига янада яқиндир. Ваҳоланки, «Өминбай» эртакдаги воқеалар Самарқанд, Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳарларига локаллаштирилган. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат «Жаҳоншо» дostonига асос бўлган тарихий воқеалардан кейинги даврларда шаклланган ва туркий халқларнинг узларидан бироз юқори босқичда турган цивилизация ютуқлари

<sup>18</sup> Жураев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001- Б. 20.

<sup>19</sup> Қарақалпақ фольклори. 67-76-т. – Нөкис: Илим, 2012. – Б. 298-302.

<sup>20</sup> Қарақалпақ фольклори. 67-76-т. – Нөкис: Илим, 2012. – Б. 298-302.

бўлимиш илм-билим, санъатни эгаллашга бўлган интилишлари улароқ юзага келган. Эртақларда қаҳрамонлик эпосга хос бўлган қаҳрамоннинг туғилиши, болалиги, қаҳрамонлик никоҳ каби мотивларнинг ҳаммаси мавжуд. «Жаҳоншо»нинг ушбу хусусияти, яъни сюжетининг шаклланишида эртақлик мотивларнинг мавжудлиги дostonнинг жанрий белгиларини аниқлашга ҳалақит берганлиги маълум. Бу масалани эртақ ва дoston жанрлари сюжетларининг ўзига хос тасвирлаш хусусиятларини ойдитиштириш орқали ечиш мумкин. Юқорида қайд қилинган эртақларда ҳаёт ҳақиқати аниқ бўлишига қармастан, *биринчидан*, воқеалар оила фониди баён қилинади ва, шунга мос тарзда, қаҳрамон энг аввало ўзининг, ўз оиласининг эзгулиги учун ҳаракат қилади. Эртақда эртақлик элементлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, дostonда улар эпоснинг сюжет структурасининг қўшимча элементидир. Яъни эпик қаҳрамоннинг аъло жисмоний куч эгаси ва – шунга параллел равишда – ақл-фаросатини, билимини кўрсатувчи қўшимча детал сифатида фойдаланилган. *Иккинчидан*, дostonда эпик фонди *урыў*, эл-юрт ва халқнинг бирлашиши каби эпик қаҳрамонликнинг баъзи элементлари қавмлараро ва *урыўлараро* тўқнашишлар изини сақлаган тарихий *аңызлар* ва *аңгимелар*да маълум даражада кузатилади.

**«Жаҳоншо» дostonидаги баъзи типологик белгилар ва образлар системаси»** мавзусидаги иккинчи бобнинг **«Дostonнинг жанрий, структуравий ва образлар типологияси»** деб номланган фаслида дostonнинг жанрий ва сюжет тузилишидаги типологик белгилар аниқланган.

Дostonлар – туркий халқлар, жумладан қорақалпоқ халқи фольклор меъросининг энг йирик жанри саналади. Жанрнинг қорақалпоқ фольклориди шаклланиши тарихи умуман туркий халқлар фольклори эпоси билан тарихий-генетик жиҳатдан боғлиқдир. «Жаҳоншо» дoston жанрининг қаҳрамонлик эпос турига нисбатан белгиланган барча тамойилларга жавоб беради. Диссертацияда дostonнинг қаҳрамонлик эпос жанрига мансублиги қиёсий типологик таҳлил орқали далилланган.

Дoston сюжетининг асосий мазмунида қорақалпоқлар этногенезида муҳим ўрин эгалловчи *Қазаяқлы урыўининг* ҳаёти билан боғлиқ воқеалар акс эттирилган. К.Мамбетов *Қытай урыўининг* XII-XIV аср манбаларида монголлар орасида ҳам учрашишини айта келиб, қорақалпоқ *Қытайларининг* Хитой халқи билан алоқаси ҳали тадқиқ қилинмаган, боши очик масала эканлигини таъкидлаб ўтган эди<sup>21</sup>.

Ҳозирги Тожикистон территориясида жойлашган реал макон *Ура Төбе*, дostonда тасвирланганидек, тоғли худуд бўлиб, бу объект *Қазаяқлы урыўининг* культи ва, шунга мос тарзда, уларнинг шиорига айланган, деган фикрга келишимиз мумкин. Бу дoston асосида бир вақтлари *Қытай урыўининг* таркибида *Қазаяқлыларнинг* туркий халқларнинг *урыўлик* ва давлат бирлашмалар таркибига кирган давридаги тарихий ҳаёти, уларнинг Хитой империяси билан энг яқин сиёсий-иқтисодий алоқада бўлган тарихий

<sup>21</sup>Мамбетов К. Қорақалпоқлар шажараси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1995. – Б. 99.

даврларининг умумлаштирилган эпик кўриниши ётади, деган фикрга келишга ундайди.

Достонда туркий халқлар тарихида, уларнинг эпик анъанасида из қолдирган Чингизхоннинг босқинчилик юришлари натижаси бўлган, XV–XVIII асрларда Шарқта гегемонлик қилган *Ойратлар* мамлакатининг ҳарбий юришларига тааллуқли воқеалар ҳам ўз аксини топган. *Қалмақ* босқинчиларига қарши олиб борилган кураш «Жаҳоншо» достонида ҳам ўзига хос интерпретацияга эга. Одатда, қорақалпоқ қаҳрамонлик эпосида бош қаҳрамоннинг ўз юртини *қалмақ*лардан ҳимоя қилиши достон қаҳрамони ва *қалмақ* ботирлари ўртасидаги жанг фониди берилади. «Жаҳоншо» достонида эса бу анъанавий мотив жирова ижодиётида ўзига хос ечимга эгадир. Жаҳоншо ўз ёри Зәүрияни излаб топиш учун Шыны-татар элига кетгандан кейин унинг ватани Ура Төбеге қалмақлар бостириб келади. Бошқа достонлардан фарқли улароқ, Жаҳоншо қалмақларни излаб топиб, улар билан жанг қилмайди, балки қалмақлардан омон қолган халқини йиғиб маслаҳатлашади ва уларга бир вақтлари булардан ажралиб кетган ва энди ўз ҳукмдорлиги остида бўлган Шыны-татар элига қўшилишни таклиф қилади. Ботирнинг бундай дипломатик ҳосияти унинг Шын-Машында олган билимининг натижаси сифатида кўрсатилади. Аввалдан шаклланган анъанага мувофиқ, жировлар ташқи душман – қалмақ эпизодини киритиб, бу ҳодисага нисбатан ботирга рационал ечим қабул қилдиради. Бундай ечимнинг қабул қилиниши ўзгача қаҳрамон идеалини, яъни нафақат жисмоний куч эгаси сифатида, балки ақлли, билимли, ҳоҳлаган вазиятдан чиқиб кета оладиган эл бошқарувчиси бўлган ботир образини илгари суриши билан бевосита боғлиқдир.

«Жаҳоншо» достонининг композицион тузилиши анъанавий эпик намунадаги қаҳрамоннинг туғилиши – яъни воқеанинг бошланишидан тортиб, қаҳрамоннинг мурод-мақсадига етиши билан якунланувчи сюжет воқеалари асосида шаклланган. Достон композициясида конфликтнинг берилишида сафар мотиви бадиий вазифа сифатида бевосита хизмат қилган. Достон композициясининг шундай бир нечта кульминацион ва ҳал қилувчи воқеаларга қурилганлиги тингловчини зериктирмайдиган даражада қизиқарли бўлиб чиқишини таъминлаган.

**«Достон сюжетида мотивларнинг мазмуний ва конструктивлик роли»** деб номланган иккинчи фаслда достондаги мотивлар таркиби типологик жиҳатдан ўрганилган.

«Жаҳоншо» достони сюжетида қорақалпоқ қаҳрамонлик достонларида мавжуд «ботирнинг туғилиши», «бўлғўси ботирга исм қўйиш», «ботирнинг болалиги», «синаш», «ботирнинг оти», «қаҳрамоннинг ўйланиши» сингари мотивларнинг барчаси ўрин олган. «Жаҳоншо» структурасида бу мотивлар энг аввало ушбу достоннинг ғоявий-мавзувий йўналиши, тарихий ҳақиқатнинг ва муҳитнинг хусусияти янада мазкур достонни ижро этган жировларнинг индивидуал услуби, объектив воқеликни англаш принциплари каби омиллар таъсирида ўзига хос интерпретацияланган. Ваҳоланки, достон асосида барча қаҳрамонлик достонларда мавжуд жисмоний жиҳатдан тенгсиз куч-қудратга эга

